



MILLIY TIKLANISH

33 (465) ● 2017 йил 16 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎАМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВА БАСТАКОРЛАРИ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак инсоний гоёлар, она Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мана шундай муҳим вазифани адо этиш борасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаолиятида замон талабларидан орқада қолиш, ижодий сусткашлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги каби ҳолатлар қузатилмоқда. Уюшманинг молиявий аҳоли ва моддий-техник базаси билан боғлиқ муаммолар ҳам унинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бой мусиқа меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган ижодий ташкилот ва жамоалар, композитор ва бастакорлар, хонанда ва созандалар, ёш ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг истеъод ва маҳоратини рўйбга чиқариш, зарур моддий ва маънавий ёрдам бериш, соҳа вакиллари ўртасида самарали ижодий муҳит ташкил этиш бўйича кўпгина муҳим вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ҳал қилиш ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаолиятини тубдан тақомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаоллар кенгашининг Ўзбекистон

Бастакорлар уюшмасини Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси сифатида қайта ташкил қилиш ҳақидаги қарори маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг (кейинги ўринларда — Уюшма деб юритилди) асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

халқимизнинг эстетик талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, замонавий руҳдаги бадий юксак асарлар яратиш, катта мусиқий асарлар, жумладан, опера, симфония, концерт ва оратория каби мўмтоз жанрлар ривожига алоҳида эътибор қаратиш;

ёш композиторлар, бастакорлар ва мусиқашунослар, барча ижрочиларнинг ижод билан самарали шугулланишлари учун имконият ва шароитларни кенгайтириш; мамлакатимизнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мусиқа санъати соҳасида ижод қилаётган барча ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

2-бет →

Фракция позицияси



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ЯНГИ ИШ РЕЖАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎАМТДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан фракция иш режаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, видеомулоқотда парламент, сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмалари фаолияти чуқур таҳлил қилинди, келгусидаги асосий йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда билдирилган гоё ва тақлифлар, белгиланган вазифалар парламент, айниқса фракция аъзолари фаолиятига танқидий назорат билан қараш, янги тақлиф ва ташаббуслар билан чиқишга ундамоқда. Бунинг учун бундан буён катъий режа асосида иш олиб бориш, самарали фаолият кўрсатиш талаб этилади.

4-бет →

Давра суҳбати

Туризм айти пайтда замонавий иқтисодиёт тармоқларидан бири, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимининг муҳим омил саналади. Қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришда туризмнинг ўрни ва салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Шу боис, соҳага доир қонунчиликни янада тақомиллаштириш, Президентимизнинг 2016 йил 6 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини назоратга олиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий тақлифлар билан чиқишда ЎАМТДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гурuhlари ва ташкилотлари фаол иштирок этишига интилаётим.

тараққиётнинг муҳим омил сифатида сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Қашқадарё вилояти улкан туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бутун дунёдан ташриф буюраётган сайёҳлар узок ўтмишдан ҳикоя қилувчи қадимий ёдгорликларга, ҳудуднинг бетакрор табиати ва миллий қадриятларига катта қизиқиш билдираётим. Шундай бўлса-да, вилоятда туризм

6-бет →

Миллий гуруҳ

ТИЛ БИЛАНГА КЕНГ ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБА ЯПОНИЯДА "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ" НОМИГА САЗОВОР БЎЛДИ



7-бет →



